

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.15/31.08.2022.Т.73.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТУРАЗОВ ИЗЗАТ СОЛИЕВИЧ**

**ЗАМОНАВИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАР АСОСИДА АВИАЦИОН  
ЖИҲОЗЛАРНИНГ МАЖМУАВИЙ ДИАГНОСТИКА  
ТИЗИМЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**05.02.08 – Ер усти мажмуалари ва учиш аппаратлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Матуразов Иззат Солиевич**

Замонавий таркибий қисмлар асосида авиацион жиҳозларнинг  
мажмуавий диагностика тизимларини яратиш..... 3

**Матуразов Иззат Солиевич**

Разработка системы комплексной диагностики авиационного  
оборудования на основе современной элементной базы..... 21

**Maturazov Izzat Soliyevich**

Development of a system of complex diagnostics of aviation equipment  
based on a modern element base..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.15/31.08.2022.Т.73.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТУРАЗОВ ИЗЗАТ СОЛИЕВИЧ**

**ЗАМОНАВИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАР АСОСИДА АВИАЦИОН  
ЖИҲОЗЛАРНИНГ МАЖМУАВИЙ ДИАГНОСТИКА  
ТИЗИМЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**05.02.08 – Ер усти мажмуалари ва учиш аппаратлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/T745 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tstu.uz](http://www.tstu.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдукаюмов Абдурашид**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рахимов Бахтиёржон Нетьматович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Саитов Азиз Азимович**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори


**Етакчи ташкилот:**

**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги PhD.15/31.08.2022.T.73.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2023 йил 25 март соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: rektorat@tstu.ru.

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (091 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел: (99871) 299-05-66.

Диссертация автореферати 2023 йил 10 март куни тарқатилди.  
(2023 йил 9 мартдаги 009 рақамли реестр баённомаси).



**Н.М. Арипов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор



**Ш.М. Суёнбаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**М.Х. Расулов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
т.ф.н., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда авиация соҳасига бўлган талаб кундан кунга ошиб бориши натижасида аэропортларда ҳаво кемалари қатновининг ошиши ва бир вақтнинг ўзида учиб-қўниш йўлакларига ҳаракатланишини бошқариш ҳамда ҳаво кемаларига тез ва самарали техник хизмат кўрсатиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш турли амаллар бажаришни талаб қилади ва бу жараёнда рейсларнинг кечикишига олиб келиши мумкин. Бу муаммо ривожланган давлатларнинг аэропортларида ҳам кузатишмоқда<sup>1</sup>, жумладан Франция, Англия, Германия, Испания, Италия, АҚШ, Хитой, Япония, Сингапур, Австралия, БАА, Жанубий Корея каби давлатларда ҳаво кемаларига парвоздан кейин техник хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатишда, авваламбор, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш жараёнининг вақтини камайтириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Дунёда ҳаво кемаларига парвоздан кейин техник хизмат кўрсатиш жараёнида авиацион жиҳозларнинг носозлигини аниқлаш, уларни диагностика қилиш ҳамда техник кўриқдан ўтказиш вақтининг қисқартирилишига қаратилган илмий-тадқиқот ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш жараёнларини оптималлаштириш ва авиацион жиҳозларни диагностика қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу борада, ҳаво кемасининг авиацион жиҳозларининг техник ҳолатини диагностика қилишда техник хизмат кўрсатиш усулини такомиллаштириш, замонавий таркибий қисмлар асосида борт маълумотларини масофадан узатиш усулини ишлаб чиқиш ва амалдаги диагностика қилиш тизимларининг ўрнига масофавий диагностика тизимини яратиш муҳим долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда транспорт соҳасини ривожлантириш, жумладан авиация соҳасида йўловчиларга қулайлик яратиш учун уларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш жараёнларининг вақтини қисқартириш, уларни кутиб олиш ҳамда кузатиш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, “Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш ..., транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш ..., транспорт соҳасида ташқи савдо учун “яшил коридорлар” ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш ..., хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни

<sup>1</sup><https://crisis24.garda.com/alerts/2022/12/germany-flight-disruptions-are-likely-at-frankfurt-airport-through-december>.

сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган”<sup>2</sup>. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш жараёнида авиацион жиҳозларни диагностика қилиш тизимини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли, 2020 йил 5 октябрдаги ““Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли, 2018 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5584-сонли Фармонлари ва 2022 йил 26 октябрдаги “Республикада маҳаллий авиакатновларни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-412-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV – “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда ҳаво кемасини ишлаб чиқарувчилар масофадан диагностика қилиш тизимини яратиш бўйича фаол иш олиб боришмоқда. Шу билан бирга шуни айтиш жоизки, кўплаб ишланмалар маълум бир ҳаво кемасинигина эмас, балки бир неча типдаги кўплаб ҳаво кемаларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Бугунги кунга қадар ишлаб чиқилган масофадан туриб ҳаво кемасини назорат қилиш воситалари, одатда ультра қисқа тўлқинлар ёрдамида маълумотларини узатишга асосланган. Boeing ва Airbus каби ҳаво кемаларни ишлаб чиқарувчи компаниялар энг замонавий ҳаво кемаларида симсиз ускуналарни диагностика қилиш 60 МГц частотада маълумотларни узатиш ёрдамида амалга оширилади. Бундан ташқари, ушбу тизимлардаги маълумотлар алмашиш протоколлари тижорат сири ҳисобланади ва улар тўғрисидаги маълумотлар ҳеч қаерда эълон қилинмайди. Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатишда диагностика қилиш тизимини такомиллаштириш ва ҳаво кемаси авиацион жиҳозларининг носозлигини аниқлашни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар, дунё бўйича етакчи илмий марказ ва олийгоҳларда, жумладан Las Palmas de Gran Canaria (Испания), Technical University Berlin (Германия), Konkuk University (Корея), Москва авиация институти (миллий тадқиқотлар университети) (Россия) ва Тошкент давлат транспорт университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

Ҳаво кемаларининг авиацион жиҳозлари ва уларга техник хизмат кўрсатиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан J.Perez-Mato, R.Perez-Jimenez, J.Tristancho, E. Poves, J.A. Martin-Gonzalez, S. Rodriguez, E.T. Нурушев, A.B. Бабак, O.H. Скрыпник, Г.И. Ключев, Б.А. Никольский, А.Н. Коптев, В.А. Прилепский, O.Ф. Машошин, S. Petersen, S. Krasiewski, J.R. Todd ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Юртимизда ҳаво кемалари ва унинг авиацион жиҳозларида техник технологик юзага келувчи масалаларини ҳал этишга қаратилган тадқиқотлар А. Абдуқаюмов, Р.Х. Сайдахмедов, Х.Х. Хуснутдинова, А.Х. Султанов, Н.А. Абдужабаров, К.К. Кадирбекова, Т.А. Сагдиев, Д.Э. Эшмурадов, Р.Г. Закиров ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Бироқ, ҳаво кемаларининг авиацион жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масаласи тўлиқ кўриб чиқилмаган. Шунингдек, ҳаво кемаларининг авиацион жиҳозларни масофадан мажмуавий диагностика қилиш тизимини Ўзбекистон миқёсида такомиллаштириш масаласи етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий тадқиқот режасидаги Европа Иттифоқининг ERASMUS+ 561989-EPP-1-2015-1-UK-EPPKA2-SBHE-JP “Парвозлар хавфсизлиги ва учишга яроқлилик” (2015-2018) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш жараёнида замонавий таркибий қисмлар асосида авиацион жиҳозларнинг мажмуавий диагностика тизимини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳаво кема авионикасини анализ қилиш, уларни назорат қилиш ҳамда диагностика воситалари ва усулларини тадқиқ қилиш;

ҳаво кемасидаги радиоэлектрон жиҳозларнинг ҳолатини масофадан туриб аниқлаш тизимининг самарадорлигини баҳолаш ва унга бўлган талабларни шакллантириш;

замонавий таркибий қисмлар асосида авиацион жиҳозларнинг мажмуавий диагностика тизими учун фазовий оптик алоқа йўли тизимининг узаткич ва қабул қилгичларини танлаш;

замонавий таркибий қисмлар асосида авиацион жиҳозларнинг мажмуавий диагностика тизимини яратиш;

масофадан мажмуавий диагностика тизими учун компьютер дастурини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** замонавий таркибий қисмлар асосида авиацион жиҳозларнинг масофадан мажмуавий диагностика тизими, масофадан мажмуавий диагностика тизимининг бортдаги мажмуаси ва масофадан мажмуавий диагностика тизимининг марказлаштирилган ер усти мажмуаси.

**Тадқиқотнинг предмети** масофадан мажмуавий диагностика

тизимининг фазовий оптик алоқа йўлидаги узатгич ва қабул қилгич қурилмалари ҳамда компьютер дастурининг алгоритми.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий таҳлил, энг кичик квадрат усуллари, эҳтимоллар назарияси, маълумотлар ва алгоритмлар назарияларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

парвоздан кейин техник хизмат кўрсатиш усули ҳаво кемасини масофадан диагностика қилишда фазовий оптик алоқа йўлини танлаш орқали такомиллаштирилган;

ҳаво кемасидаги авиацион жиҳозларнинг ҳолатини назорат қилиш ва масофадан мажмуавий диагностика қилиш усули об-ҳаво шароитларида оптик сигналнинг сўнишини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган;

замонавий таркибий қисмлар асосида ҳаво кемасидаги авиацион жиҳозларнинг борт маълумотларини масофадан узатиш усули электромагнит мослашувчанликка ва инфрақизил диапазонда ишловчи халақитбардош модулларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

авиацион жиҳозларнинг носозлигини ва эксплуатация қилиш муддатини аниқловчи масофадан мажмуавий диагностика тизимининг математик модели ва унинг алгоритми радиоэлектрон қурилмаларнинг ишлаш параметрларини ҳисобга олиб яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

замонавий таркибий қисмлар асосида авиацион жиҳозларнинг мажмуавий диагностика тизими ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш жараёнини ҳисобга олган ҳолда яратилган;

масофадан мажмуавий диагностика тизими орқали олинган маълумотларни таҳлил қилиш орқали ҳаво кемасининг авиацион жиҳозларидаги носозликларни аниқловчи алгоритмлар ва дастурий мажмуалар кўринишидаги инструментал воситалар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги масофадан мажмуавий диагностика қилишда фазовий оптик алоқа йўллариининг асосий қонунлари, назариялари ҳамда ҳисоблаш усуллари асосли равишда қўллаш ва экспериментал натижаларнинг ўзаро мос келиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий таркибий қисмлар асосида авиацион жиҳозларнинг масофадан мажмуавий диагностика тизимини яратиш назарий асосланганлиги ва авиацион жиҳоз схемалари ҳамда носозликларни аниқловчи ахборот-дастурий таъминотни ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳаво кемаларининг радиоэлектрон жиҳозларини масофадан диагностика қилишда тизим сигналларини фазовий оптик алоқа йўли орқали узатиш ва қабул қилиш амалга оширилиши билан бир қаторда ҳаво кемасининг бошқа жиҳозларини ҳам назорат қилиш имконига эга бўлинганлиги билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш учун ишлаб чиқилган масофадан диагностика қилиш тизимини қўллаш орқали олинган натижалари асосида:

ҳаво кемасининг авиацион жиҳозларини масофадан диагностика қилиш тизими “Uzbekistan airways technics” МЧЖ да жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2022 йил 22 сентябрдаги 10/5772-сонли маълумотномаси). Натижада ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш вақти камайтирилган, техник носоз бўлган жиҳозлар ва тизимларнинг ҳолатини аниқлашда аниқлик даражаси ошган, носоз бўлган жиҳозларни аниқлаш вақти ўртача 50 дақиқага қисқарган ҳамда диагностика қилиш вақтининг қисқариши ҳисобига бир ойда ўртача 143 955 842 сўм ҳамда бир йилда ўртача 1 727 470 113 сўм иқтисодий самарадорликга эришилган;

ҳаво кемасининг авиацион жиҳозларини масофадан диагностика қилиш тизими “Тошкент механика заводи” АЖ да жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2022 йил 22 сентябрдаги 10/5772-сонли маълумотномаси). Натижада ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш вақти камайтирилган, таъмирлаш жараёнига сарфланган вақт қисқартирилган, техник носоз бўлган жиҳозлар ва тизимларнинг ҳолатини аниқлашда аниқлик даражаси ошган, носоз бўлган жиҳозларни аниқлаш вақти қисқарган ҳамда амалдаги технологияларга нисбатан 1,5-1,6 баробар вақт сарфининг тежамкорлигига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманлар, шу жумладан 2 та Scopus базасидаги илмий анжуманда, 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 та республика ва 2 та чет эл илмий журналларида чоп этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигидан 1 та ЭҲМ учун дастурга гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва заруратининг асосланганлиги, Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқ асосий мақсад ва вазифаларнинг, шунингдек тадқиқотлар объекти ва предметларининг тавсифи, илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти,

тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар, чоп этилган илмий ишлар бўйича маълумотлар ва диссертация ишининг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **“Ер усти жиҳозлари ва ҳаво кемасининг параметрларини диагностика қилиш воситалари ҳамда усулларини таҳлил қилиш”** деб номланган биринчи бобида ҳаво кемасининг авионика қурилмаларини таҳлил қилинган. Ҳаво кемасининг асосий диагностика қилинадиган жиҳозлари А-320 ва В-787 ҳаво кемалари мисолида кўриб чиқилган ҳамда борт қурилмаларининг турлари ёритиб берилган.

Ҳаво кемасини комплекс диагностика қилиш учун мавжуд тизимлар таҳлил қилинган ва ҳозирги вақтда ҳаво кемалари тизимлари орасида ARINC 429 стандарт форматда маълумотларни алмашлашга имкон берадиган интеграцияланган модулли авионика тизимлари энг кўп қўлланилаётганлиги сабабли, ARINC 429 таҳлил қилинган.

Ҳаво кемаларнинг ахборот-ўлчов комплексининг умумлаштирилган тизимларининг ишлаш принципи кўриб чиқилган.

Тадиқотлар натижасида замонавий ҳаво кемаларида исталган ҳаво кемаси тизимининг яроқсизлигини аниқлаш ва хотирада сақлашга имкон берадиган марказлаштирилган диагностика қилиш тизимлари қўлланилиши ёритилган.

Ҳаво кемаси қурилмаларини диагностика қилиш тизимлари ва усуллари кўриб чиқилган. Ҳозирги кундаги мавжуд техник диагностика қилиш тизимларининг хилма-хиллиги сабабли уларни таснифлаш, ҳамда уларни одатда тестлаш ва функционал диагностика қилиш тизимлари келтириб ўтилган.

Инсон иштирокида диагностик маълумотларни тўплаш ва ишлов бериш амалга ошириладиган автоматлаштирилган диагностика қилиш тизимлари ва инсон иштирокисиз диагностик маълумотларни тўплаш ва ишлов беришга имкон берадиган автоматик тизимлар ўрганилган.

Парвозни амалга оширгандан кейин техник ходимлар томонидан ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш амалга оширилади. Ҳозирги кунда амалиёт шуни кўрсатадики, ҳаво кемасининг кўниши ва уни техник ходимларга топшириш орасидаги вақт, албатта Ўзбекистон ҳудудидаги аэропортни ҳаво кемаларини қабул қилиш ва техникларга топшириш вақти ўртача 20 минутдан 1 соатгача давом этади.

Техник хизмат кўрсатиш жараёнида эҳтиёт қисмларни етказиб беришни кутиш ва яроқсизликларни бартараф этишга вақт сарфлари тасодифий функциялар ҳисобланади ва уларнинг ҳар биттаси рейснинг кечикишига олиб келиши мумкин. Ҳаво кемаларининг белгиланган вақтда техник кўриқдан ўтиши бу албатта белгиланган рейснинг кечикиш муаммосининг ечими сифатида ҳаво кемасининг авиацион жиҳозларини масофадан мажмуавий диагностика қилиш тизимидан фойдаланиш таклиф қилинган.

Ҳозирги кунда мавжуд ҳаво кемалари параметрларини масофадан назорат қилиш тизимлари таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида, уларнинг барчаси

маълумотларни узатиш имкониятига эга бўлган ультра қисқа тўлқинли радиостанциялари ҳисобланади ва катта флотга мўлжаллан. Кичик флот учун бундай тизимлардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан кўп маблағ талаб қилиниши ва албатта бу кичик флотлар учун мақсадга мувофиқ эмаслиги изоҳланган.

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра ҳаво кемаларининг авиацион жиҳозларини фазовий оптик алоқа йўли орқали масофадан мажмуавий диагностика қилиш тизими таклиф қилинган.

Иккинчи боб **“Авиация жиҳозларини комплекс диагностика тизимини яратиш”** деб номланиб, диагностика тизимини ишлаб чиқишда қўлланилаётган замонавий симсиз алоқа воситаларини таҳлил қилиш ва таснифлаш амалга оширилган. Бунда симсиз локал тармоқлар оддий симли тармоқлар учун стандартларга тўлиқ мос келадиган ва кабелларни ўтказилиши ишлатилмайдиган ҳисоблаш тармоқларини яратишга имкон берадиган технологиялар ўрганилган. Бундай тармоқларда маълумотларни ташувчи сифатида ўта юқори частоталар ёки оптик диапазон радиотўлқинлари ишлатилади.

Ҳозирги вақтда ўта юқори частоталар диапазонидаги энг оммавий симсиз алоқа тизими WirelessLAN (ингл. Wireless Local Area Network (Симсиз локал тизим); WLAN) симсиз локал ҳисоблаш тармоғи ҳисобланади. Тармоқларни бундай қуриш усулида маълумотларни узатиш радиоэфир орқали амалга оширилади, қурилмаларнинг тармоққа бирлаштирилиши кабел боғланишлардан фойдаланмасдан амалга оширилади. Ҳозирги кунда энг кенг тарқалган қуриш усуллар Wi-Fi ва WiMAX технологиялари бўйича қуриш ҳисобланади.

Ўта юқори частотали сигналларни узатишга асосланган мавжуд симсиз технологиялар улардан аэропортларда фойдаланиш учун тўғри келмайди. Бу уларнинг частоталар диапазони (2-80 ГГц) борт метеорологик ва навигацион радиолокаторлар (10 ГГц), шунингдек айрим ер усти радиолокаторларининг частоталар диапазони билан қисман қопланиши билан изоҳланади. Бундан ташқари, ҳаво кемаси бортига радиочастоталар диапазони қурилмаларининг ўрнатилиши учун уларнинг ўрнатилган тизимлар билан электромагнит мослашувчанлигини ҳисобга олиш зарур, бу эса авиацион техникани ишлаб чиқарувчилар билан жуда мураккаб келишувларни талаб қилади.

Ҳаво кемасининг авиацион жиҳозларини масофадан диагностика қилиш учун юқорида баён этилган камчиликларни бартараф этиш учун алоқа канали сифатида атмосфера оптик алоқа линиясидан фойдаланиладиган диагностика қилиш қурилмаларидан фойдаланиш таклиф этилган.

Ҳаво кемаси авиацион жиҳозларини масофадан мажмуавий диагностика қилиш тизимининг умумий функционал схемаси ишлаб чиқилган. Тизим модулларини амалга ошириш учун элементлар асоси таҳлил қилинган.

Таклиф этиладиган оптик тизимда ишлатиладиган оптик сигналлар фазовий оптик алоқа йўли (ФОАЙ) маълумотлари узатиш стандартига мос келади. Ҳаво кемаси авиацион жиҳозларини масофадан мажмуавий

диагностика қилиш учун тизим қуйидаги модуллардан иборат бўлади:


Ҳаво кемасининг борт модули сигналларни оптик узатиш йўлига узатиш учун ARINC 429 форматидан оптик сигналларга ўзгартиришни, шунингдек, қабул қилинган оптик алоқа форматадаги сигналларни ARINC 429 форматига ўзгартиришни амалга оширади. Борт модули қабул қиладиган сигналлар ҳаво кемасининг турли тизимларини тестлашни инициализациялаш сигналлари, шунингдек тестлаш натижасида олинadиган қурилманинг ҳолати тўғрисида ўрнатилган назорат қилиш марказлаштирилган тизими хотирасидан узатиладиган маълумотлар ҳисобланади.

Ишчи станция вазибаларига тестлашни инициализациялаш сигналларини генерациялаш ва борт модулига узатиши, шунингдек ҳаво кемаси тизимларининг ҳолати тўғрисида маълумотларни қабул қилиш ва ишлов бериш киради. Ишчи станция сифатида оптик узатиш ва сигналларни қабул қилиш учун уланган модулга, шунингдек ўрнатилган дастурий таъминотга эга бўлган портатив персонал компьютердан фойдаланилади.

Тизимнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини таъминлаш учун тузилмавий схемани ишлаб чиқишда тайёр қурилмалар ва модуллардан максимал даражада фойдаланиш зарур. Шунинг учун батафсил тузилмавий схемани қуриш учун мавжуд оптоэлектрон ўзгартиргичларнинг элементлар асосини таҳлил қилиш керак.


Тизимни амалга ошириш учун тайёр модуллардан фойдаланиш энг иқтисодий самарадор эканлиги аниқланган. ARINC 429 форматадаги электр сигналларни оптик сигналларга ўзгартиришни амалга ошириш учун икки босқичли модель - ARINC 429 форматни USB форматга ўзгартириш ва USB маълумотларни фазовий оптик алоқа йўли форматга ўзгартириш таклиф этилган. ARINC 429 формати USB форматга ўзгартиргич сифатида ECE 0206 ўзгартиргичдан фойдаланиш таклиф қилинган.

Ҳаво кемасининг борт модули сигналларни оптик узатиш йўлига узатиш учун ARINC 429 форматидан оптик сигналларга ўзгартиришни, шунингдек, қабул қилинган оптик алоқа форматадаги сигналларни ARINC 429 форматига ўзгартиришни амалга оширади. Борт модули қабул қиладиган сигналлар ҳаво кемасининг турли тизимларини тестлашни инициализациялаш сигналлари, шунингдек тестлаш натижасида олинadиган қурилманинг ҳолати тўғрисида ўрнатилган назорат қилиш марказлаштирилган тизими хотирасидан узатиладиган маълумотлар ҳисобланади (1-расм).



1-расм. Ҳаво кемасининг борт модули ва ер усти станциясининг тузилмаси

Тавсия этилган схемада инфрақизил қабул қилгич/узаткич сифатида M1-FE-L ARTOLINK FSO қурилмаси ишлатилади. Бутун схема USB улагич орқали 5В кучланиш билан электр таъминланади (2-расм).



**2-расм. Таклиф этилган масофадан мажмуавий диагностика қилиш тизимининг принцинал схемаси**

Оптик тизимни ҳисоблаш фотодетекторга тушган инфрақизил нурланиш қувватининг улушини аниқлашгача келтирилади. Равшанки, бу улуш қанчалик катта бўлса, оптик узаткичдан сигнални қабул қилгичга узатиш шунчалик самарали бўлади. Оптик нурнинг сочилиши ҳисобига ахборот оптик сигналнинг тушиши геометрик оптик қонунларига, фотоқабул қилгич линзалари текислигидаги оптик доғ майдонининг фотоқабул қилгич линзалари майдонига нисбати орқали аниқланади, яъни фотоқабул қилгич линзалари майдонига қуйидаги нисбатга пропорционал бўлган инфрақизил нурланишнинг бир қисми тушади:

$$A_{\text{қаб}} = \left( \frac{D_{\text{ёдд}}}{D_{\text{қаб}}} \right)^2, \quad (1)$$

бу ерда  $D_{\text{ёдд}}$  – ёруғлик доғининг диаметри, м;

$D_{\text{қаб}}$  – инфрақизил қабул қилгич линзаларининг диаметри, м.

Геометрик оптик қонунларига мувофиқ:

$$D_{\text{ёдд}} = L \cdot Q_{\text{ажр}}, \quad (2)$$

бу ерда  $Q_{\text{ажр}}$  – узаткич чиқишидаги нурланишнинг бурчакли ажралиши бўлиб, у қуйидагига тенг:

$$Q_{\text{ажр}} = \frac{A}{F_{\text{уз}}}, \quad (3)$$

бу ерда  $A$  – узаткичдаги нурланиш манбаининг ўлчами, м;

$F_{\text{уз}}$  – узаткич линзаларнинг фокус масофаси, м.

Фазовий алоқа линиясида, оптик толали алоқа линиясининг асосий параметрлари ва характеристикаларини ҳисоблашда бўлганидек, линиянинг  $P$ , энергетик потенциали тушунчасини киритиш мумкин:

$$P_{\text{э}} = P_{\text{уз}} - P_{\text{қаб}}, \text{ дБм} \quad (4)$$

бу ерда  $P_{\text{уз}}$  – оптик узаткич чиқишидаги инфрақизил нурланишнинг қуввати сатҳи, дБм;

$P_{\text{уз.лин}}$  – узаткич линзалари чиқишидаги оптик қувват, дБм;

$P_{\text{қаб}}$  – қабул қилгич киришидаги инфрақизил нурланишнинг қувват сатҳи, дБм, яъни:

$$P_{\text{қаб}} = \lg \left( \frac{P_{\text{қаб.лин}}}{1 \text{ мВт}} \right), \text{ дБм} \quad (5)$$

бу ерда  $P_{\text{қаб.лин}}$  – қабул қилгич линзалари киришидаги оптик қувват, дБм.

Инфрақизил алоқа линиясидаги  $P_{\text{й}}$  йиғинди йўқотишларини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$P_{\text{й}} = P_{\text{опт}} + P_{\text{атмб}}, \text{ дБ/км} \quad (6)$$

бу ерда  $P_{\text{опт}}$  – узаткичнинг чиқиш оптик параметрлари ва қабул қилгичнинг кириш параметрларининг номувофиқлиги туфайли оптик сигналнинг сўниши, дБ/км;

$P_{\text{атм}}$  – атмосферада оптик ахборот сигналининг сўниши, дБ/км.

Узаткич линзалари чиқишидаги оптик қувватнинг сатҳини ҳисоблаш инфрақизил диод нурлантирадиган ва узаткич линзасига бериладиган ёруғлик оқимининг қамраб олиш улушини ҳисобга олиш билан амалга оширилади.

Узаткич линзасининг қамраб олиш бурчаги қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$\alpha_{\text{қам}} = \arctg \left( \frac{D_{\text{уз}}}{2 \cdot F_{\text{уз}}} \right). \quad (7)$$

Узаткичнинг чиқишдаги оптик қувват қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_{\text{уз}} = 10 \cdot \lg \cdot \frac{P_{\text{нурл}} \cdot A_{\text{қам}}}{1 \text{ мВт}}, \text{ дБм} \quad (8)$$

бу ерда  $P_{\text{нурл}}$  – 1 мВтда ўлчанган инфрақизил нурлантирувчи диоднинг тўлиқ қуввати, дБм.

Ишчи станциянинг вазифаларига тестлашни инициализациялаш сигналларини генерациялаш ва борт модулига узатиши, шунингдек ҳаво кемаси тизимларининг ҳолати тўғрисида маълумотларни қабул қилиш ва ишлов бериш киради. Ишчи станция сифатида оптик узатиш ва сигналларни қабул қилиш учун уланган модулга, шунингдек ўрнатилган дастурий таъминотга эга бўлган портатив персонал компьютердан фойдаланиш мумкин.

Яратилган диагностика тизим ишлашининг дастурий таъминоти персонал компьютерга уландиган оптик USB-қабул қилгич/узаткичнинг маълумотлари орқали парвоз вақтида пайдо бўладиган носозликлар ҳақидаги маълумотларни аниқлайди.


Дастурий таъминот сифатида РНР дастурлаш тилида яратилган дастур персонал компьютерга ўрнатилади.

Дастурда учта ишлаш режимлари кўзда тутилган:

- 1) Ўрнатилган назорат қилиш марказлаштирилган тизими хатоликлар хотирасидан маълумотларни ўқиш режими;
- 2) Ўрнатилган назорат қилиш марказлаштирилган тизими орқали ҳаво

кемаси тизимларини носозликларни аниқлаш режими;

3) Ўрнатилган назорат қилиш марказлаштирилган тизимдан олинган маълумотларни сунъий интеллектни қўллаган ҳолда таҳлил қилади ва таҳлиллар натижасига кўра жиҳознинг яна қанча муддат эксплуатация қилиш вақтини аниқлаш режими (3-расм).




3-расм. Ўрнатилган назорат қилиш марказлаштирилган тизими хатоликлар хотирасидан маълумотларни ўқиш режимида тизимнинг ишлаш алгоритми

Тизимларни тестлаш режимида дастур ҳар бир ҳаво кемаси тизимини тестлашни инициализациялашни ўрнатилган назорат қилиш марказлаштирилган тизимига жўнатмалари ва тестланадиган тизимдан тестлаш натижаларини олиш тартибини аниқлайди. Ҳар бир параметр унга ажратилган хотира ячейкасига ёзилади. Бунда ўрнатилган назорат қилиш марказлаштирилган тизими фақат тестларни инициализациялайди, ҳар бир тизимни тестлаш алгоритмлари эса унинг блоклариди сақланиши ҳисобга олинади, шунинг учун ишчи станциянинг хотирасига тизимларни текшириш барча алгоритмларни киритишга ҳожат йўқ. Ўрнатилган назорат қилиш марказлаштирилган тизими хатоликлар хотирасидан маълумотларни ўқиш процедураси ишга туширилгандан кейин командалар ҳисоблагичи ёқилади. “М” маълумотларни ўқиш кўзда тутилади. Санок 1-манзилли маълумотлардан бошланади. Маълумотлар ҳақида команда фазовий оптик алоқа йўли форматига ўзгартирилади. Командалар жўнатилгандан кейин тизимнинг борт модулидан жавоб кутилади. Маълумотлар персонал компьютернинг 1-хотира ячейкасига қабул қилинади, бу ердан маълумотлар ишлов беришга берилади.

Командалар сонининг белгиланган чегарага етганлиги параллел таҳлил қилинади. Таҳлил натижасига кўра агарда маълумот белгиланган минимум ва максимум кўрсаткичлар оралиғида бўлмаса дастур уни “носоз” эканлигини кўрсатади. Агарда берилган маълумот минимум ва максимум кўрсаткичлар оралиғида бўлса маълумотлар базасига киритилади. Базага киритилган маълумот сунъий интеллект қўлланилган ҳолда олдин маълумотларни қайтадан таҳлил қилади ва энг кичик квадрат усулини қўллаган ҳолда жиҳозни яна қанча эксплуатация қилиш мумкинлиги ҳақидаги маълумотни чиқаради.

Яратилган тизим учун диагностика қилиш дастурини ишлаб чиқишда РНР (Hypertext Preprocessor) дастурлаш тилининг 7+ версияси орқали “Yii2” фремворкидан фойдаланган ҳолда яратилган. РНР веб-иловаларни ишлаб чиқишда кенг қўлланиладиган “С” га ўхшаш дастурлаш тили. Маълумотлар базаси MySQL релацион тизими орқали яратилган (4-расм).



**4-расм. Маълумотлар базасидаги яратилган жадваллар ва уларнинг ўзаро боғланиши**

Яратилган масофадан диагностика қилиш тизими дастурида авиацион жиҳозларнинг ҳолатини аниқлашда сунъий интеллект қўлланган бўлиб, унда “Энг кичик квадрат усули”дан фойдаланилган. Авиацион жиҳоздаги носозликни аниқлаш “Регрессия таҳлилидаги энг кичик квадратлар усули”га асосланади.

Айрим “ $y$ ” ўзгарувчининг “ $n$ ” қиймати ва шунга мос келадиган ўзгарувчиларни “ $x$ ” қилиб олинади. Бу ерда вазифа “ $y$ ” ва “ $x$ ” ўртасидаги боғлиқликни, баъзи бир номаълум “ $b$ ” параметргача маълум бўлган баъзи  $f(x, b)$  функцияси бўйича аниқлашдан иборат.

$$f(x, b) = y_t, t = 1, \dots, n. \quad (9)$$

Регрессия таҳлилида, эконометрикада ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатларнинг эҳтимоллик моделлари қўлланилади.



$$y_t = f(x_t, b) + e_t, \quad (10)$$

бу ерда  $e_t$  – тасодиғий модель хатолари деб аталади.

Шунга кўра, “ $y$ ” нинг кузатилган қийматларининг  $f(x, b)$  моделидан оғишлари моделнинг ўзида қабул қилинган. “Энг кичик квадратлар усули”нинг моҳияти шундай “ $b$ ” параметрларни топишдан иборат бўлиб, улар учун  $e_t$  квадрат оғишлар йиғиндиси минимал бўлади:

$$b_{OLS} = \operatorname{argmin}RSS(b), \quad (11)$$

бу ерда  $RSS$  – квадратларнинг қолдиқ йиғиндиси (Residual Sum of Squares).


$$RSS(b) = e^T e = \sum_{t=1}^n e_t^2 = \sum_{t=1}^n (y_t - f(x_t, b))^2. \quad (12)$$

Умумий ҳолда, бу муаммони рақамли оптималлаштириш усуллари билан ҳал қилиш мумкин. Бундай ҳолда, чизиқли бўлмаган энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилади. Кўп ҳолларда аналитик ечимни олиш мумкин. Минималлаштириш масаласини ечиш учун  $RSS(b)$  функциясининг номаълум параметрларга нисбатан дифференциаллаш, ҳосилаларни нолга тенглаштириш ва ҳосил бўлган тенгламалар тизимини ечиш йўли билан унинг стационар нуқталари топилади.

$$\sum_{t=1}^n (y_t - f(x_t, b)) \frac{df(x_t, b)}{db} = 0. \quad (13)$$

“Регрессия таҳлилидаги энг кичик квадратлар усули” билан биргаликда “Чизиқли регрессия ҳолатида энг кичик квадратлар усули”дан ҳам фойдаланилган.

Яратилган масофадан диагностика қилиш тизими дастурининг “Тизимлар ҳолати” ойнасида ҳаво кемасининг уч тамондан кўриниши ва авиация жиҳозларининг жойлашуви кўрсатилган (5-расм).



5-расм. “Тизимлар ҳолати” ойнасида ҳаво кемасининг уч тамондан кўриниши ва авиация жиҳозларининг жойлашуви

“Тизимлар ҳолати” ойнасида авиация жиҳозларининг жойлашуви кўрсатилиши билан биргаликда уларнинг ҳолати ҳам акс эттирилган. Агарда авиацион жиҳоз “яшил” рангда кўрсатилса, унинг ишлаш ҳолати аъло ҳолатдалигини билдириради. Бу жиҳознинг эксплуатация қилиш муддати 2 ой қолгунгача “яшил” рангда кўрсатади. “Сариқ” ранг унинг ишлаш ҳолати яхшилигини ва эксплуатация қилиш муддати 2 ой қолганини билдиради.


“Қизил ранг” авиацион жиҳознинг ишлаш ҳолати қониқарли, лекин эксплуатация қилиш муддати 1 ойдан кам қолганини билдиради.

Учинчи боб “**Яратилган диагностика тизимини амалиётга қўллаш**” деб номланиб, ишлаб чиқилган диагностика тизимини қўллашда аэропортлардаги ер усти қурилмаларинининг имкониятларининг таҳлили, унинг қўлланилиши ва иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Ер усти станцияси қабул қилгич/узаткичи ҳаво кемасининг тўхташ жойига нисбатан 100-200 м масофага жойлаштирилади. Бунда ер усти станциясининг жойлашуви катта аҳамиятга эга. Ер усти станцияси ҳаво кемасининг чиқариш/тушириш учун мўлжалланган томонига қаратилган ҳолда фойдаланилади ва фазовий оптик алоқа йўлидан фойдаланилганлиги сабабли уларнинг ўртасида алоқага таъсир кўрсатувчи предметлар бўлмаслиги талаб этилади.

Ер усти станцияси ва борт қисмининг маълумот алмашинувида уларнинг ўртасидаги ҳар хил турдаги предметлардан ташқари об-ҳавонинг ҳолати ҳам сезиларли даражада таъсир этади.

Йўловчиларни чиқариш/тушириш учун сигнал ўтказгичининг бириктирилиши муносабати билан тизим борт қисмининг инфрақизил филтрли ойнасини йўловчилар эшиги остига жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Ҳаво кемаси тўхташ жойига ажратилган белгиларга мувофиқ аниқ жойлаштирилиши сабабли, ер усти қабул қилгич/узаткичи тўғридан тўғри борт қисмига қаратилган ҳолда фойдаланиш талаб этилади. “Тошкент халқаро аэропорти” шароитларида тизимнинг элементларини жойлаштириш бўйича мавжуд имкониятлардан келиб чиқиш билан параметрларни масофадан назорат қилиш тизими конструкциясининг варианты таклиф қилинган (6-расм).



**6-расм. Таклиф қилинаётган масофадан назорат қилиш тизимининг тузилиш схемаси**

Фазовий оптик алоқа йўли ҳаво кемаси ва ер усти станцияси орасида маълумотларни алмашлашни таъминлайди. Ҳам борт, ҳам ер усти тизимининг асосий элементи оптик қабул қилгич ва узаткичлардан ташкил топган оптик қабул қилгич/узаткичлар ҳисобланади.

Маълумотларни узатиш модуляцияланган инфрақизил нурлар орқали амалга оширилади. Ер усти қабул қилгич/узаткичи диагностика қилиш станцияси (персонал компьютер) билан кабель орқали уланган. Тизимнинг

борт қисми ва ер усти станция орасидаги маълумотларни алмашлаш тўлиқ дуплекс режимда амалга оширилади.

Узаткич транзистор орқали бошқариладиган ёруғлик диодли матрицадан иборат. Электр сигнали транзисторга берилади ва ёруғлик диодли матрица орқали инфрақизил сигналга ўзгатирилади.

Ёруғлик диодли матрица кетма-кет уланган ёруғлик диодлар гуруҳи бўлиб, уларнинг йиғинди қуввати битта ёруғлик диоднинг қувватидан катта бўлади. Ёруғлик диодли матрица орқали жуда кенг нур ҳосил қилинади, ундан кейин вазифаси ёруғлик нурларини тўплаш ва узаткичнинг чиқиш нуруни шакллантириш бўлган призма ўрнатилади.

Фазовий оптик алоқа йўли ҳар иккала йўналишларда бир вақтда маълумотларни қабул қилиш ва узатишни таъминлаш билан дуплекс режимда ишлайди. Дуплекс алоқа узаткич сигнални ўша бир қабул қилгич/узаткичнинг қабул қилиш қисмига тушмаслиги шартда амалга оширилади. Бунинг учун инфрақизил фильтр инфрақизил ойна икки қисмга ажратилган. Ажраткич призмага тушадиган ёруғлик нуруни цилиндрсимон линзага тушадиган ёруғлик нуридан ажратади. Шундай қилиб, узаткичдан ёруғлик нури қабул қилгичнинг фотодиодига тушиши мумкин. Бу тизимга тўлиқ дуплекс режимида ишлашга имкон беради

Таклиф этилган масофадан диагностика қилиш тизимининг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланди. Унда “Uzbekistan airways technics” МЧЖ да ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатувчи муҳандисларнинг фаолияти ва уларнинг иш ҳақлари ўрганилган ҳолда амалга оширилди. “Uzbekistan Airways” АЖда эксплуатация қилинаётган А-320 ва А-321 ҳаво кемаларининг 2022 йилнинг 6 ой мобайнидаги парвозлар маълумотлари таҳлил қилинди. Таҳлиллар натижасида янги тизимни қўллаш орқали бир ойда ўртача 143 955 842 сўмни ҳамда бир йилда ўртача 1 727 470 113 сўмни иқтисодий тежаб қолишга эришилиши ҳисоблаб чиқилган.

## ХУЛОСА

“Замонавий таркибий қисмлар асосида авиацион жиҳозларнинг мажмуавий диагностика тизимларини яратиш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Ҳаво кемасининг авионикаси таҳлил қилинган ва авиацион жиҳозларни диагностика қилиш усуллари тадқиқ қилинган ҳамда ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш жараёнида вақт сарфларини ўрганган ҳолда, ҳаво кемаларининг белгиланган вақтда техник кўрикдан ўтиши, рейсинг кечикиш муаммосининг ечими сифатида ҳаво кемасининг авиацион жиҳозларини масофадан мажмуавий диагностика қилиш тизимидан фойдаланиш зарурати аниқланган. Натижада ҳаво кемаларининг авиацион жиҳозларини масофадан мажмуавий диагностика қилувчи тубдан янги диагностика тизими яратилган.

2. Ҳаво кемасига парвоздан кейин техник хизмат кўрсатиш жараёнида

авиацион жиҳозларни масофадан мажмуавий диагностика қилиш тизими учун фазовий оптик алоқа йўли танланган. Натижада янги масофадан мажмуавий диагностика тизимининг радиоалоқа узаткич ва қабул қилгич қурилмалари танланган.

3. Тадқиқотлар натижасида ҳаво кемасидаги авиацион жиҳозларнинг ҳолатини масофадан мажмуавий диагностика қилишда замонавий таркибий қисмлар асосида ҳаво кемасидаги авиацион жиҳозларнинг борт маълумотларини масофадан узатиш учун инфрақизил диапазони танланган. Натижада инфрақизил диапазонда ишловчи халақитбардош модуллар асосида яратилган диагностика тизимининг тузилиш схемаси ишлаб чиқилган.

4. Замонавий таркибий қисмлар асосида авиацион жиҳозларнинг мажмуавий диагностика тизимининг алгоритми ва компьютер дастури ишлаб чиқилган. Натижада авиацион жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш вақтининг 1,5-1,6 мартаба камайишига, аэродромнинг имконияти ошишига ва авиацион жиҳозларнинг носозлигини аниқлаш ҳамда эксплуатация қилиш муддатини олдиндан билиш имконияти яратилган.

5. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган аэропортларда мазкур яратилган ҳаво кемасини авиацион жиҳозларини мажмуавий диагностика қилиш тизимини қўллашда аэропортнинг иқлим шароитлари таҳлил қилинган. Таҳлиллар асосида туман, ёмғир, қор ва қуёш нурлари таъсирида инфрақизил диапазонда маълумотлар алмашилишига таъсири ўрганилган. Натижада турли об-ҳаво шароитларида оптик сигналнинг сўниши маълумотлари олинган.

6. Масофадан мажмуавий диагностика қилиш тизимини ҳаво кемаси ва ер усти жиҳозларига ўрнатишда, ер усти қабул қилгич/узаткичи ёрдамида аэропортдаги мавжуд ҳаво кемалари мисолида уларнинг авиацион жиҳозларини масофадан диагностика қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Телескопик зинапоя ҳаво кемасининг тушиш-чиқиш эшигига ўрнатилади, шунинг учун тизимнинг ер усти станциясининг қабул қилгич/узаткичини ҳаво кемасининг телескопик зинапоя ўрнатиладиган томонга қаратиб 100-200 м масофада ўрнатиш таклифи берилган.

7. Яратилган масофадан мажмуавий диагностика қилиш тизимининг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган. “Uzbekistan Airways” АЖда фойдаланилаётган А-320 ва А-321 ҳаво кемаларининг 2022 йилнинг 6 ой мобайнидаги парвозлар маълумотлари таҳлил қилинган. Натижада янги масофадан мажмуавий диагностика тизимини қўллаш орқали бир ойда ўртача 143 955 842 сўмни ҳамда бир йилда ўртача 1 727 470 113 сўмни иқтисодий тежаб қолишга эришилиши ҳисоблаб чиқилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
PhD.15/31.08.2022.Т.73.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**МАТУРАЗОВ ИЗЗАТ СОЛИЕВИЧ**

**РАЗРАБОТКА СИСТЕМЫ КОМПЛЕКСНОЙ ДИАГНОСТИКИ  
АВИАЦИОННОГО ОБОРУДОВАНИЯ НА ОСНОВЕ СОВРЕМЕННОЙ  
ЭЛЕМЕНТНОЙ БАЗЫ**

**05.02.08 – Наземные комплексы и летательные аппараты**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2023**



Тема диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2018.2.PhD/Т745.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного Совета ([www.tstu.uz](http://www.tstu.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Абдукаюмов Абдурашид**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Рахимов Бахтиёржон Ньматович**  
доктор технических наук, профессор

**Саитов Азиз Азимович**  
доктор философии по техническим наукам

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный  
технический университет имени Ислама  
Каримова**

Защита диссертации состоится 25 марта 2023 г. в 16<sup>00</sup> часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета PhD.15/31.08.2022.Т.73.01 при Ташкентском государственном транспортном университете. (Адрес: 100167, г. Ташкент, ул. Темирийулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: rektorat@tstu.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного транспортного университета (регистрационный номер - 091). (Адрес: 100167, г. Ташкент, ул. Темирийулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-05-66.

Автореферат диссертации разослан 10 марта 2023 года.  
(протокол реестра №009 от 9 марта 2023 года).



**Н.М. Арипов**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор

**Ш.М. Суюнбаев**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор

**М.Х. Расулов**  
Председатель Научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
учёных степеней, к.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В связи с растущим спросом на авиационную отрасль в мире, особое значение придается увеличению трафика воздушных судов в аэропортах и в то же время управлению движением на взлетно-посадочных полосах, а также обеспечению быстрого и эффективного обслуживания воздушных судов. Техническое обслуживание воздушных судов требует выполнения множества операций и это может привести к задержке рейсов. Эта проблема наблюдается<sup>1</sup> в аэропортах развитых стран, в том числе таких стран, как Франция, Англия, Германия, Испания, Италия, США, Китай, Япония, Сингапур, Австралия, ОАЭ, Южная Корея и других. Особое значение придается вопросам совершенствования системы технического обслуживания воздушных судов после полета. Поэтому сокращение времени технического обслуживания воздушных судов является одной из актуальных проблем в обеспечении качественного обслуживания пассажиров.

В мире большое внимание уделяется исследованиям и разработкам, направленным на сокращение времени выхода из строя авиационного оборудования, диагностике и техническому осмотру в процессе послеполетного обслуживания воздушных судов. В этом направлении, в том числе, особое значение имеет проведение научно-исследовательских работ по оптимизации процессов технического обслуживания воздушных судов и совершенствованию системы диагностики авиационного оборудования. В связи с этим совершенствование методики технического обслуживания диагностирования технического состояния авиационного оборудования воздушного судна, разработка метода дистанционной передачи бортовых данных на основе современных элементов, создание системы дистанционной диагностики взамен существующей системы диагностики считаются важными актуальными задачами.

В нашей республике реализуется ряд мероприятий по сокращению времени процессов технического обслуживания воздушных судов, по их соблюдению и контролю, с целью улучшения услуг по развитию транспортной отрасли, в том числе авиационной отрасли, с целью создания комфорта для пассажиров. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены важные задачи, такие, как «Развитие единой транспортной системы во взаимосвязи со всеми видами транспорта ..., развитие рынка транспортных и логистических услуг и инфраструктуры ..., расширение «зеленых коридоров» и транзитных возможностей в транспортной системе ..., ... поднятие на высокий уровень тесного сотрудничества в области безопасности, торгово-экономической, водной, энергетической, транспортной ...»<sup>2</sup>. Реализация этих задач, в том числе совершенствование системы диагностики авиационного оборудования при техническом обслуживании

<sup>1</sup> <https://crisis24.garda.com/alerts/2022/12/germany-flight-disruptions-are-likely-at-frankfurt-airport-through-december>.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

воздушных судов, считается одной из важных задач.

